

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**2017 йил .. 27 " март \_\_\_\_\_ №ПҚ-2855 - . - . - . 20**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида  
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳамда юртимиз ва мусулмон дунёсидан этишиб чиқсан улуғ мутафаккир ва алломаларнинг бой мероси, уларнинг жаҳон цивилизацияси, илм-фан тараққиёти ривожига қўшган бебаҳо хиссасини чукур тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни миллатлар ва динлараро багригенглик, ўзаро ҳурмат, тинч-тотув ҳаётни қадрлаш ва мустаҳкамлаш руҳида тарбиялаш, шунингдек, халқаро миқёсдаги маънавий-маърифий мулоқот ва ҳамкорликни кучайтириш мақсадида:

1. 2016 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилган ташаббус асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) давлат муассасаси шаклида ташкил этилсин.

2. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

хадис илмининг ривожига бекиёс хисса қўшган ватандошимиз Имом Бухорий ва бошқа мутафаккирларнинг улкан илмий ва диний меросини ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва киёсий матнларини нашр этиш орқали халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ушбу мавзуларга доир илмий тадқиқотларни тизимли ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чикиш ва амалга ошириш;

ислом цивилизациясининг умуминсоний қадриятлар жумладан, халқимиз маъавияти ва маданияти ривожига тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, уларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;

ҳозирги даврда жаҳонда юз берётган глобаллашув жараённида дунёда, минтака ва мамлакатимиз ҳаётида ислом динининг

инсонпарварлик мохиятини, унинг маърифий-маданий ролини ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш;

мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва архив фондларида сакланаётган буюк алломаларимизнинг ижодий меросига оид ҳамда ислом дунёси учун муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган кўлёзма, тошбосма асарларнинг электрон нусхаларини тўплаш ва уларни келажак авлодга етказиш учун тизимли илмий тадқикотларни ташкил этиш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

ислом маданияти ва цивилизациясини илмий тадқиқ этиш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишлиланган турли анжуманлар -конференция, симпозиум, кўргазма ва илмий маърузалар, семинар-тренинглар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

ислом динига оид илмий тарихий-маданий ва маънавий-маърифий мерос салоҳиятини, шу жумладан, кўлёзмалар ва архив фондларида сакланаётган манбаларни ҳисобга олган ҳолда, чукур ўрганиш ва тадқиқот натижалари юзасидан қомуслар, каталоглар, альбомлар, илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар, ахборот-ресурс базасини тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари, хусусан, Интернетда эълон қилишни ташкил қилиш;

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) ва мазкур соҳада хорижий давлатларда ташкил этилган марказлар билан ислом тарихи, фалсафаси, хукуқи, манбашунослиги ва маданияти юзасидан илмий лойиҳалар, ҳалқаро ҳамкорликдаги тадқиқотларни амалга ошириш ва унинг натижаларини нашр этиш;

ислом тарихи ва маданияти йўналишидаги янги тадқиқотлар натижаларидан илмий-маданий жамоатчиликни кенг хабардор этиш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича илмий-амалий ва услубий ўкувлар ташкил этиш;

"жаҳолатга карши - маърифат" гояси асосида ислом динига нисбатан содир этилаётган асоссиз хуружларнинг олдиии олиш, шунингдек, диний ақидапарастлик, мутаассиблик, экстремизм,

миссионерлик, сохта тарикатлар ва жамоаларнинг мақсадлари, гоявий-ақидавий негизлари, замонавий кўринишлари ва фаолият услубларини ўрганиш ва уларга қарши курашнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллаш учун тавсия этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ином Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича Васийлик кенгашининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади;

Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича Васийлик кенгashi Марказ фаолиятини мувофиқлаштиради, унга юкланган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашади ҳамда Марказ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ином Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг Низоми ва унинг тузилмасини тасдиқласин;

Марказ учун маъмурий бино ва турар-жой бинолари қуриш, зарур моддий-техник базаси ва инфратузилмаларини барпо этиш ҳамда ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш бўйича тегишли чораларни кўрсин;

Марказга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича ташкилий ишларни амалга оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказнинг штат жадвалини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Марказнинг молиялаштириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари;

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардан тушадиган ихтиёрий бадаллар;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг жисмоний ва юридик шахсларидан тушадиган ҳомийлик хайриялари;

муайян лойиха ва грантлардан ажратилган маблағлар.

8. Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги хорижий тадқиқотчи ва изланувчилар учун Имом Бухорий номидаги халқаро стипендияни таъсис этиш билан бөглиқ чора-тадбирларни амалга оширсин. Белгилансинки, халқаро стипендияга номзодлар алломанинг ҳаёти, илмий мероси билан бөглиқ изланишларни амалга оширувчи тадқиқотчилар орасидан саралаб олинади. Имом Бухорий халқаро стипендияси совриндорларининг Ўзбекистондаги илмий изланишлари Марказ ҳомийлигига амалга оширилади.

9. 2022 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга Марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар асосида четдан келтириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) божхона тўловларидан (божхона йигимларидан ташқари), кўшилган қиймат солиғидан, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига йигимлар тўлашдан озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги: Марказ билан Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилотига аъзо мамлакатлар ва бошқа давлатларнинг маҳсус муассасалари ўртасида халқаро ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш чораларини кўрсинг;

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Марказнинг буюртмаларига биноан Марказни ташкил этиш, унинг фаолиятини ривожлантириш ҳамда ушбу муассаса томонидан келгусида ўтказиладиган тадбирлар (конференция, симпозиум, форум ва б.) доирасида иштирок этадиган хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йигимларни ундирамаган холда кириш визаларини расмийлаштиришни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буюртмаларига биноан Марказни ташкил этиш, унинг фаолиятини

ривожлантириш ҳамда ушбу муассаса томонидан келгусида ўтказиладиган тадбирлар доирасида иштирок этадиган тегишли хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтингчалик яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтингча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишида давлат божларини ундирамасдан таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда конун хужжатларига ушбу карордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар "Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ушбу карорнинг ижросини назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри

Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри





Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2017 йил мартағи  
карорига

ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий мий-тадқиқот  
намақаро имарказининг фаолитиниң қўллаб-куватлаш мувофиқлаштириш бўйича  
в. Васийлик кенгашининг ТАРКИБИ

А.Арипов	- Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Васийлик кенгаши раиси
Х.Султонов	- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
А.Раматов	- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари
А.Камилов	- Ташки ишлар вазири
М.Муратов	- Маданият вазири
Э.Фаниев	- Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири
Р.Касимов	- Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири
Б.Ходжаев	- Молия вазири
М.Икрамов	- Адлия вазири
Г.Сайдова	- Иктисодиёт вазири
М.Тоҳирий	- Давлат Божхона қўмитаси раиси
Б.Закиров	- Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси
О.Юсупов	- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси
Б.Йўлдошев	- Ўзбекистон Фанлар академияси президенти
Ҳ.Оқбўтаев	- Самарканд вилояти ҳокими
Р.Абдуллаев	- Тошкент ислом университети ректори
Н.Қосимов	- Республика Маънавият тарғибот маркази директори в.в.б.
А.Маврулов	- Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази директори

## А.Маврулов

19. Б.Абдухалимов - Ўзбекистон Фанлар академияси бўлим бошлиги, кенгаши котиби

Изоҳ: Кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Кенгаши таркибига ушибу лавозимларга янгидан  
тайинланган шахслар ёки зиммасига тегизили функциячарни бажарни юклиланган шахслар киритишади.